

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 19 декабрь, № 244 (6427) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲИЛ ВА МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

*Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия масканидир. Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадини рўёбга чиқармоқда. Зеро, оилада шаклланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.*

*Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” номли дастурий маърузасида ушбу жиҳатлар янада чуқур таҳлил қилиб берилди.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## 2016 йил – СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Давлатимиз раҳбари якунига етиб бораётган Кексаларни эъзозлаш йилига ҳамоҳанг равишда, кириб келаётган 2016 йилни мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилишни таклиф этганларида, яна бир бор амин бўлдикки, ҳар бир одам бу дунёда бахт-саодатни фақат ва фақат оиласидан топади, ҳар кимнинг қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб бориши, аввало, улғайган муҳити ва олган тарбияси ҳосиласига бевосита боғлиқ. Зотан, оилани миллий қадриятларимиз ҳамда замонавий қарашлар уйғунлиги асосига қуриш — кечаги кундан хулоса, бугунидан маъно ва эртанги кунга ишонч билан яшаётган халқимиз танлови, мустаҳкам маънавий илдизларга таяниб яшаш саодатидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жорий йилда мамлакатимизда ёши улуғ инсонлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Давлат дастури доирасида 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани бу борадаги ишларнинг миқёси ҳамда салмоғи нақадар улкан эканидан далолат беради.

Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида кексалар қаровсиз, ёлғиз, жамиятдан ажралиб қолаётган бир пайтда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида ўртача ойликнинг 41 фоизидан зиёдини ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори изчил кўпайтирилгани бунга мисолдир. Ёки юртимизда татбиқ этилган 100 ёшга етган ва ундан ошган кексаларимизнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизимини бошқа мамлакатларда учратиш қийин.

(Давоми 2-бетда).

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Кадзунори Танака бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

## Ўзбекистон ва Япония парламенти вакилларининг учрашуви

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар барча йўналишда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Мулоқот давомида Япония Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли стратегик ҳамкорларидан эканлиги қайд этилди. Бинобарин, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган қўшма баёнот асосида изчил тараққий этмоқда. Кунчиқар юрт мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаяпти.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Япония муносабатлари тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ҳамда меъёрларига асосланган ҳолда, барча соҳада жадал ривожланаяпти. Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 140 дан зиёд ҳужжатлар ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда).

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Германиянинг Бонн шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги Бош консуллиги томонидан Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

## Конституциямизнинг 23 йиллиги Боннда нишонланди

Бонн шаҳар мэрияси масъул ходимлари, Германия парламенти ва ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ҳамда ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган мазкур тадбирда мустақиллик йилларида юртимизда эришилган улкан муваффақиятлар ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида фикр юритилди. Бунда мамлакатимиз Асосий Қонунининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс эканлигига алоҳида урғу берилди.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан ўтган йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб этиш ва келгуси йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш анъанага айлангани маросим қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан кириб келаётган 2016 йил юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти президенти Вольф Бауэр** мамлакатимизни сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада тараққий топтиришнинг муҳим асоси ҳисобланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар хусусида тўхталди. У республикамизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш борасида эришилган муваффақиятларга юқори баҳо берди.

— Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган бу сингари тадбирларда бевосита қатнашиш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди у “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида. — Ўзаро муносабатларимиз тобора ривожланиб бормоқда, янгидан-янги қирралар забт этилаяпти. Ўзбекистонда юз бераётган барча сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий жараёнларни доимо диққат билан кузатиб бораман.

(Давоми 2-бетда).

## Эзгуликка йўғрилган эҳтиром

*Ҳар йилнинг декабрь ойи бошларида шукуҳли бир ҳолатнинг гувоҳи бўламиз, юртимиз аҳли Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўзгача қизиқиш билан қаршилайди. Бунинг асосий сабабларидан бири — кириб келаётган йилга мамлакатимизда эзгуликка йўғрилган ўзига хос ном берилишида.*

**ФАХР**

Бу йил ҳам шундай бўлди. Юртбошимиз азалдан меҳнаткашлиги, бир оила фарзандидек уюшқоқлиги билан довруқ қозонган халқимизнинг бунёдкорлиги эвазига юз бераётган кўламли ўзгаришлар, ободончиликлар, барча жабҳада эришилаётган улкан ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса, фуқароларимизнинг ватанпарварлик фазилатини юқори баҳолаб, уларни теварак-атрофдаги нотинчликлардан огоҳ бўлишга, тегишли хулосалар чиқаришга, ўзаро тотувликни янада мустаҳкамлашга, оилалар оройиши, фарзандлар ҳаловатининг энг ишончли гарови тинчлик-омонлик эканлигини янада теран англашга, қадрлашга чақирди. Шулар баробарида, барчанинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик позицияси ўсиб бораётганлигини ифтихор билан қайд этди. Асосий Қонунимизнинг адолатли жамият қуришдаги роли, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқилиб, амалда ижобий натижаларини бераётгани, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигига қаратилгани сингари масалалар ҳам кенг ифодасини топганлигига эътибор қаратди.

Маърузада, жумладан, мўътабар аёлларимиз, уларнинг кундалик ҳаётимизга янада тароват қўшишдаги беқиёс ҳиссаси, жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам муносиб сўзлар айтилди. Аёл дейилганда, кўпинча бир хаёлга эргашамиз-у, Бош майдонимизга алоҳида шукуҳ бағишлаган, боласини бағрига босиб турган мунис онанинг табаррук сиймоси акс этган ҳайкал кўз ўнгимизда ўз-ўзидан жонлана бошлайди.

Дарҳақиқат, ҳаётда юрт ва оила тушунчаси, оилада эса она ва бола сиймоси муштаракдир. Уларнинг турмуши сокин кечишини, жамиятимизнинг муҳим бўлаги бўлмиш оиланинг ўчоғи ўчмаслигини таъминлаб туриш қадим-қадимдан эркакларимизнинг асосий бурчи бўлиб келган ҳамда шундайлигича қолмоқда. Аммо оиладагиларнинг соғлиғини асраш рўзғор бошлиғига тўлиқ боғлиқ эмас, бу иш барқарор ривожланиб бораётган мамлакатда давлат аҳамиятига молик масала мақомига эришгандагина тўлақонли тарзда самара бера олади. Ғурурланиб айтсак арзийдики, биз аллақачон мана шу йўлдан бораяпмиз.

Бунинг далил-исботи сифатида ушбу йўналишдаги ишларимизга чет эллик нуфузли тадқиқотчилар томонидан бериб келинаётган аъло баҳоларни айтиш билан чекланмай, кундалик турмушда ўз кўзимиз билан кўриб турганларимизни сўзлаш янада ўринлидир.

Қачон Олтиариққа бормайин, қаердадир янги спорт майдончаси қурилгани, бирон бир мактабнинг таъмирланаётгани, қайсидир боғчанинг ҳовлиси янада кўркамлаштирилаётганини кўраман.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи

*Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Ватан ҳимояси — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг конституциявий бурчидир” мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

**СЕМИНАР**

Унда сенаторлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз хавфсизлигини, фуқароларнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида жаҳондаги ҳамда минтақадаги вазиятни, хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган сабабларни чуқур таҳлил қилиш асосида юртимиз мудофаа соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилди. “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, мамлакат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда замон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган, давлатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигининг, барқарор демократик тараққиётининг ишончли гарови бўлган Қуролли Кучларни шакллантириш борасида улкан ишлар бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

## Халқаро стандартлар асосида

*Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳаси қаторида фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Республикамиз бўйича 119 та корхонада дори-диагностика воситалари, замонавий тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилаётгани ва улар туфайли ички эҳтиёжнинг учдан бир қисми қондирилаётгани ана шундан далолат беради.*

**АНЖУМАН**

Пойтахтимизда “Ўзфармсаноат” акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда истиқлол йилларида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, шу жумладан, 283 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилингани натижасида дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажми 46,9 млн. сўмликдан 574,2 млрд. сўмликка етказилди. Жорий йилда эса бу борадаги ўсиш суръати 122 фоизни ташкил этиши кутилаяпти.

Албатта, ҳозирги соғлом рақобат муҳитида маҳсулот сифати муҳим аҳамиятга эга. Шу боис компанияда ушбу масалага устувор аҳамият қаратилиб, 42 та ишлаб чиқариш корхонасида “ISO-9001” сифат тизими ва 8 та корхонада эса “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” — “GMP” халқаро стандарти жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

2015 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда барча турдаги транспорт воситасида юк ташиш ҳажми

**4,3**

**фоиз кўпайди.**



*Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида янги автомобиль ҳамда темир йўллари барпо этилаётгани, мавжудлари эса қайта реконструкция қилинаётгани, шунингдек, тизимга замонавий транспорт воситалари кенг жалб этилаётгани бунда муҳим омил бўлди.*

# АҲИЛ ВА МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари барча нуроний, энг аввало, 100 ёшдан ошган отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳар томонлама яқиндан кўмак бериш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширди. Кўплаб хонадонларга борар эканмиз, кексаларимизнинг чеҳрасида ўз турмушидан розилик, мамнунлик зоҳир бўлганидан қувондик. Шу билан бирга, жойларда ўтказилган кўплаб хайрли тадбирларда нуронийларимизга санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди. Умуман, бу йил юртимизда 50 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер ҳамда ногиронлар санаторийларда бепул даволанди.

Аслида, юртимизда қайси йилга ном берилмасин, ҳамиша кексаларнинг, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратилади. Шундан келиб чиққанда, Кексаларни эъзозлаш йилининг Соғлом она ва бола йилига уланиб кетаётганида теран маъно бор: кексалари бор уйдан файзу барака аримайди, бундай мустаҳкам оилада эса соғлом оналар ўз ҳаётидан мамнун бўлиб, баркамол авлодни дунёга келтиради ва тарбиялайди.

Бинобарин, оналар чеҳрасидаги қувонч, мамнунлик ва шодумонлик ўша оилада тинч, фаровон ҳамда барқарор ҳаёт мужассам эканидан дарак беради. Шу боис Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаммамиз Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз тимсолида ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаётган табаррук зотларни кўрамиз. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод мўътабар она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз.

Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги ҳисоботида 1990 — 2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоиз қисқаргани қайд этилди. Бунга, албатта, Президентимиз раҳнамолигида оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётини енгиллаштириш борасида яратиб берилган шарт-шароитлар натижасида эришилди. Бугун қатор мамлакатларда иқтисодий инқироз, қирғинбарот урушлар, табиий офатлар, ички можаролар оқибатида аёллар ҳимоясиз, ночор ва ғариб аҳволда қолаётган бир пайтда юртимиз хотин-қизлари тинч-омон, фаровон турмуш кечирмоқда. Буни барча



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

оилалар ўз тақдири мисолида кўриб, англаб турибди.

Эсласак, аввallари мамлакатимизда оналар эртадан кечгача фақат дала юмушлари билан банд, уларнинг соғлиғидан путур, ҳаётидан мазмун кетган эди. Мустақилликнинг илк давриданоқ, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан камқонлик касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёллар учун имтиёзли овқатланиш жорий қилинди, хотин-қизларни оғир меҳнатдан холи этиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш, кундалик турмуш учун бекаму кўст маданий-маиший шароитлар яратишга катта эътибор қаратилди.

Буларнинг ҳаётий исботини биргина мисол — Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотлар рейтингида болалар саломатлиги муҳофазаланган етакчи мамлакатлардан бири экани, ривожланиш кўрсаткичлари бўйича фарзандларимизнинг 92 фоизи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, эътироф этиш жоизки, ўтган йилдан бошлаб соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида — туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлигида, яъни 10-14 ҳафталарида барча аёллар оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилмоқда. Натижада ҳомиладорликнинг эрта даврида ҳомиланинг умумий аҳволи, унинг ривожланиши ҳамда туғма нуқсонлар ва акушерлик патологиясини аниқлаш имкони туғилди. Ёки перинатология хизматининг аҳамияти ой-куни етмай туғилган чақалоқларни парваришлашда ҳам яққол намоён бўлаётир. Авваллари кам вазнда туғилган чақалоқлар ҳаётини асраб қолиш жуда катта муаммо эди. Бугун мамлакатимизда энг кам вазнда туғилган гўдакларни ҳам соғлом ҳолда ривожлантириш имконияти бор. Ваҳолонки, ҳозирги вақтда бундай кам вазнли чақалоқ туғилиши ўта оз. Чунки оналар соғлом, болаларнинг илиги тўқ.

Президентимиз ўз маърузасида Соғлом она ва бола йилида бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш бўйича асосий йўналишларни белгилаб берди. Хусусан, Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан қиймати 130,6 миллион АҚШ доллари бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонаси қурилиши бошлангани, мазкур мажмуанинг МДҲ мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, тўртинчи, яъни энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт маскани экани соғлом авлод тарбияси йўлидаги улкан ишларни муҳим босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари олис-чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий шароитлар яратиш, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш каби муҳим масалалар қаторида юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб voяга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда, албатта, таълим олишини таъминлашга яна бир бор эътибор қаратди. Жумладан: “Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг катта орзуим ва тилагимдир”, дея таъкидлади.

Шунингдек, Юртбошимиз ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий аҳамият қаратиш лозимлигига урғу берди.

Яна бир муҳим масала — оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин, қўни-қўшни ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш — бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти экани ҳам қайд этилди.

Бундай узоқни ўйлаб айтилаётган фикр ҳамда даъватларни ҳар бир оила аъзоси, ҳар бир ота-она чуқур англаб олиши, “Менинг қизим, келиним, оиламнинг эртанги куни учун Президентимиз, давлатимиз қайғураяпти, хўш, мен бу эзгу ишга қандай ҳисса қўшсам бўлади?” деб ўйлаши, қизларимиз ва келинларимизнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига ёрдам бериш йўлида ҳаракат қилмоғи зарур. Аслида ҳам соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Соғлом она ва бола йилида коллежларни битирган қизларни иш билан таъминлаш, уларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилишга истеъмол кредитлари бериш борасидаги ишлар кўлами янада кенг қулоч ёзиши, шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, буларнинг барчаси халқимизга мансуб азалий қадрият — соғлом ва покиза насл давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

**Элмира БОСИТХОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

## Ўзбекистон ва Япония парламенти вакилларининг учрашуви

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаб ўтилганидек, икки мамлакат парламентлари делегацияларининг ташрифлари мунтазамлик касб этган. Хусусан, Япония парламентида ташкил қилинган Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ва “Япония демократик партияси — Ўзбекистон” дўстлик лигаси ҳамда мамлакатимиз парламентидаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония парламенти” парламентлараро гуруҳи бу борадаги фаол ва самарали ҳамкорликни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Япония қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имконият мавжудлигига эътибор қаратиб, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Япония делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Армиямиз моҳияти, мазмуни ва ҳарбий имкониятлари ўзгарди. Фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тизими тубдан ислоҳ қилинди. Натижада ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб, мамлакатимиз мудофаа қобилияти янада мустаҳкамланди.

Тадбирда жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари, ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Семинарда ёшларни ватанпарварлик руҳида, маънавий ҳамда жисмонан етук, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган шахс сифатида тарбиялашда вакиллик органлари, давлат тузилмалари, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Эзгуликка йўғрилган эҳтиром

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Салобати бизнинг болалик давримиздаги марказий касалхонаникидан кам бўлмаган, энг замонавий ускуналар билан муттасил бойиб, ходимларининг сони ҳам кўпайиб бораётган қишлоқ врачлик пункти ҳамширалари уйма-уй кезиб юришганининг гувоҳи бўламан. Бири алоҳида қаровга муҳтож беморлардан хабар олса, бири кўзи янги ёриган оналар, уларнинг чақалоқларини назоратдан ўтказади, бошқаси болалар ўртасида у ёки бу касалликка қарши эмлаш бошланганлигини эълон қилиб чиқади.

Бу муассасанинг мудири, олий маълумотли шифокор Шарофатхон ҳам ўз хонасида тинчиб ўтиролмайди, бирон кимсанинг дарди кучайиброқ қолганини эшитса, фурсатни ўтказмай етиб боради. Кўмагига муҳтожларга доим мададкор. Қайнонасининг фахрланиб айтишича, бурчини биринчи ўринга қўяди. “Тунов куни қўшнимизнинг чақалоғи қаттиқ шамоллаб қолувди, яна бир хабар олай, дея кечасиям беморнинг аҳволини билиб чиқди”. Шунақа! Инсонпарвар юртнинг шифокори ҳам инсонпарварлиги билан фарқланиб тураверади!

Шу кабилардан келиб чиқилса, келгуси йилимизнинг “Соғлом она ва бола йили” деб аталиши хонадон бекаларини эъзозлаш туйғуси қонига аждодларидан ўтиб келаётган, беҳад болажонлиги билан яққол ажралиб турувчи халқимизнинг феълига узукка кўз қўйгандек мос тушди, барчага бирдек маъқул келувчи иш бўлди.

Борлиқ эзгу умидларимизнинг рамзига айланмиш болалар ҳар битта уйнинг чироғи бўлса, меҳридарё оналар заҳматкаш чароғбонлардир. Шундай экан, хонадонларимиздан ҳеч қачон ёруғлик аримасин, бу порлоқ нурлар ўлкамизни ҳам абадулабад чароғон қилиб тураверсин.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Қисқа сатрларда

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**• Бухорода вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Биз келажакка ишонамиз!” шиори остида ёшлар форуми ташкил этилди. Тадбир доирасида таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, экологлар, спортчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан учрашув ўтказилди. Якунда огоҳликка чорловчи “Ажал жодуси” бадиий фильми намойиш қилинди.**

• Миллий матбуот марказида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси томонидан босма оммавий ахборот воситалари нашрларини обуначиларга белгиланган муддатларда етказишни таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман уюштирилди.

**• Самарқанд вилоятидаги деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларида Янги йил байрами олдидан ташкил этилган ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига арзон нархларда таклиф қилинмоқда.**

• Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 109 та корхона, ташкилот, муассаса ҳамда фермер хўжалиги 282 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 260 дан ортиқ фуқаролар ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлдилар.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## Конституциямизнинг 23 йиллиги Боннда нишонланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатингиз қўлга киритган ҳар бир муваффақият мени жуда хушнуд қилади. Шу ўринда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасида муҳим ютуқлар қўлга киритилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайман. Аҳоли фаровонлиги, энг аввало, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш ҳар бир давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Юртингизда бу масалага жиддий эътибор ва алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Конституция куни ҳамда яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман, мамлакатингизга барқарор фаровонлик, тинчлик ва осойишталик тилайман.

**Мариа Хон-Бергхорн, Бонн шаҳри мэрияси Таълим ва илм-фан бўйича штаби раҳбари:**

— Мен Ўзбекистонни 20 йилдан буён биламан, унинг ҳар бир тараққиёт босқичидан яхши хабардорман. Германия Федератив Республикасининг илгариги пойтахтидаги халқаро офиснинг раҳбари сифатида Бонн ва Бухоро шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқаларининг ўрнатилишида шахсан иштирок этганман.

Ўзбекистонда келгуси йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинганини катта мамнуният билан қарши олдим. Мазкур ташаббус жорий йилнинг сентябр ойида БМТ томонидан қабул қилинган барқарор ривожланишнинг умумжаҳон мақсадларига тўла мос келади.

Мамлакатингизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилаётган жиддий эътибор дунёнинг кўплаб давлатлари учун намуна сифатида хизмат қилади, деб ўйлайман. Афсуски, кексаларга ҳурмат, оилавий қадриятларни сақлаб қолиш, бўлажак она ҳамда болага нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш сингари муҳим қадриятлар Ғарб жамиятида тобора сусайиб бормоқда.

Жамиятда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватловчи “Зонта” халқаро клуби аъзоси сифатида Президент Ислом Каримовнинг республикада юз бераётган муҳим сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларда аёллар фаоллигини кучайтириш ва аҳамиятини юксалтиришга қаратилган даъвати мени жуда қувонтирди. Давлатингиз раҳбари томонидан белгилаб берилганидек, оила, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи келгуси йилдаги устувор вазифа сифатида эътибор марказида бўлиши диққатга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон аҳлини мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги байрами билан табриклайман. Юртингизда тинчлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилайман.

**«Жаҳон» АА.**
Франкфурт

## Халқаро стандартлар асосида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, жамоа аҳли томонидан Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги “2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, шу давр мобайнида четдан маҳсулот импорт қилишни 62,5 фоизга камайтириш режалаштирилган эди. Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳозирданоқ ўз самарасини бераяпти. Жорий йилнинг охиригача қарийб 59,7 млн. АҚШ долларилик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш мўлжалланаётгани бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, тизимда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани эътиборга лойиқ. Мисол учун, ҳозирги кунда илгари четдан валюта ҳисобига олиб келинган янги турдаги 450 та маҳсулот ўзимизда тайёрланаётган бўлса, шундан 380 таси дори воситаси, 70 таси эса тиббий буюмдир.

Тадбир давомида, шунингдек, мутахассислар компанияда келгусида рўёбга чиқарилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар хусусида ҳам маълумот беришди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан журналистика соҳасида ташкил этилган “Инсонга наф келтириш — олий бахт” республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.*

## Инсонга наф келтириш — олий бахт

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалишига эришилаяпти. Албатта, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар ҳамда уларнинг амалий натижалари билан халқимизни таништириб боришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Инсонга наф келтириш — олий бахт” танлови ушбу йўналишда фаоллик кўрсатиб келаётган журналистларни муносиб рағбатлантириш ва уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштиришга қаратилган.

— Танлов нуфузи ва кўлами йилдан-йилга ошмоқда, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ёритилаётган мавзулар мазмун жиҳатидан кенгайиб бораётгани ҳам эътиборга молик. Бу йил 100 нафардан ортиқ журналистнинг ижодий ишлари қабул қилинди. Уларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини изчил давом эттириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишларидаги ислоҳотлар моҳияти ҳамда уларнинг ҳаётимизда тутган ўрни чуқур таҳлил қилинган.

Босма ва электрон оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича ғолиблар ҳамда совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг юраги»

*Индонезиянинг Жакарта шаҳрида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва мамлакатимизнинг Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг юраги" шиори остида "Road Show" сайёҳлик тадбири ташкил этилди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Мазкур кенг қамровли анжуманда Индонезиянинг нуфузли сайёҳлик компаниялари раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ўзбекистоннинг бой тарихий ҳамда маданий мероси, ноёб меъморий ёдгорликлари ва диққатга сазовор масканлари, шунингдек, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда эришган муваффақиятлари ҳақидаги батафсил маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

"Road Show" сайёҳлик тадбири доирасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ва юртимизнинг миллий сайёҳлик компаниялари вакиллари томонидан республикамизнинг тарихий шаҳарлари ҳамда замонавий сайёҳлик инфратузилмаси тақдимоти ўтказилди. Унда ўлкамизда ёз ва қиш фаслларида дам олиш индустриясини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг жуғрофий жиҳатдан қулай ҳудудда — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани ҳамда мамлакатда жаҳон андозаларига мос даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар билан бирга, ривожланган транспорт ва коммуникация тармоғи мавжудлигини алоҳида эътироф этдилар.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Boeing-757", "Boeing-767", "Airbus-320" ҳамда бошқа замонавий, қулай самолётлар орқали Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Америка минтақаларида жойлашган 40 дан ортиқ шаҳарларга мунтазам қатновларни амалга ошираётгани, сўнгги йилларда республикамиз аэропортлари замон талаблари даражасида тўла таъмирлангани ҳамда модернизация қилингани, уларнинг аксарияти халқаро аэропорт мақомига эга эканлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда **"PT. Pacific Interindah" компанияси президенти Ненси Нурдин** индонезиялик сайёҳларда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон саёҳат ишқибозларини ўзига тортиб турган, жаҳон сайёҳлик бозорида жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади, — деди у. — Гўзал табиати ва бой тарихи мамлакат туризм индустриясининг барча жабҳасини ривожлантиришга имкон беради. Замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ҳамда ривожланган транспорт коммуникацияларининг мавжудлиги катта эътиборга моликдир.

Индонезиядаги **"Golden Rama" сайёҳлик компаниясининг хорижий саёҳат бўйича менежери Мими Лега** эса яқинда юртимиз бўйлаб сафар қилгани ҳақида тўхталди. У мазкур сафардан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, мамлакатимизда меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатилишини кафолатлайдиган замонавий инфратузилма яратилганини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон ноёб меъморий обидаларга, бебаҳо тарихий ва маданий меросга эга бўлган бетакрор мамлакатдир, — деди у. — Бу кўҳна замин том маънода Шарқ дурдонаси ҳамда Буюк Ипак йўлининг юраги саналади. Ўзбек халқининг бой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, гўзал шарқона ва замонавий меъморчилик уйғунлашувидан иборат республиканинг бугунги қиёфаси бизни, айниқса, ҳайратда қолдирди.

**Эдвард Тдже, "Wita Tour" компанияси менежери:**

— Сайёҳлик салоҳияти билан танишиш мақсадида яқинда Марказий Осиё мамлакатларида бўлдим. Шу ўринда Ўзбекистоннинг беҳад гўзал эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбеклар заминида қадимий шаҳарларнинг ажойиб меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш ҳамда меҳмонлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга шахсан гувоҳ бўлдим. Компаниямиз мижозлари биздан юқори сифатли сайёҳлик хизматларини кутишади. Ўзбекистонда ана шундай қулай шарт-шароитлар мавжудлиги боис юртингизни муҳим ва ишончли сайёҳлик йўналиши сифатида намойиш қилаяпмиз.

**«Жаҳон» АА.**
Жакарта




*Франциянинг алоқа соҳасини мувофиқлаштирувчи органи мамлакатдаги энг йирик телефон оператори — "Orange"га 350 миллион евро миқдорида жарима солди.*

## Носоғлом рақобат учун жарима




Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Гап шундаки, мазкур компания ўзининг телекоммуникация бозоридаги мавқеидан фойдаланиб, рекорд даражадаги маблағларни суиистеъмол қилган. Мувофиқлаштирувчининг маълумотларига кўра, "Orange" 2000 йилдан буён корпоратив алоқанинг сердаромад сегментидаги соғлом рақобатга нохолис усуллар билан босим ўтказган. Шу орқали бозорнинг 55 фоизини эгаллаб, энг яқин таъқибчилари — "SFR" (30 фоиз) ва "Bouygues Telecom" (10 фоиз) имкониятларини пасайтириб юборган.

## Ҳайдовчига зарурат йўқ

*АҚШнинг "Google" корпорацияси ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган автомобилларни ижарага берадиган алоҳида компания ташкил этишни режалаштирмоқда, дейилади "Блумберг" ахборот агентлиги хабарида.*



Ўзиюрар транспорт воситалари Сан-Франциско ва Остин шаҳарларидаги йўлларда синовдан муваффақиятли ўтказилган. Мазкур турдаги автомобиллардан дастлаб таълим муассасалари ҳамда турли ташкилотлар ҳудудларида фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, "Google" таркибида "Alphabet" холдингига ҳам асос солинган бўлиб, у электромобилларни ижарага бериш билан шуғулланади.

## Бионик кўзлар

*Австралиянинг Монаш университети олимлари кўриш имкониятидан тўлиқ маҳрум бўлган кишиларга келгуси йилдан эътиборан бионик кўзлар қўйиш бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказишларини маълум қилишди.*

Бу сунъий кўриш тизими тасвирларни мияга бевосита етказиб бериш хусусиятига эга. Мазкур инновация кўзойнакка ўхшайди. Ундаги замонавий камера реал ҳаётдаги манзараларни белга тақиб юриладиган ихчам видеопроцессорга узатади. Ўз навбатида, ушбу қурилма ана шу сигналларни миянинг кўришни таъминлайдиган қисмига ўрнатилган 11 датчикка етказади. Шундай қилиб, бемор онгида муайян тасаввур пайдо бўлади. "Нью Сайнтист" журналида чоп этилган мақолада ушбу янгилик ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

## Сув остидаги тадқиқотга мўлжалланган

*Эстониянинг Таллин технология университети мутахассислари томонидан сув остида археология ишларини олиб боришда асқатадиган робот яратилди.*



Ундан Болтиқ денгизи акваториясини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Олимларнинг изоҳлашича, ҳозиргача бундай тадқиқотлар жараёнида ушбу турдаги қурилмалар деярли қўлланилмаган. Чунки уларни тайёрлаш жуда қимматга тушарди. Янги робот эса арзон ва кўплаб имкониятларга эга. Уни ясашда силикондан кенг фойдаланилган ҳамда денгиз қисқичбақаси ҳаракатларидан муқояса олинган.

## Фаолиятига якун ясалди

*Португалиялик таниқли футбол мутахассиси Жозе Моуриньо Англиянинг "Челси" клуби бош мураббийлигидан истеъфога чиқарилди.*



Бунга жамоанинг жорий мавсумда Премьер-лигада муваффақиятсиз қатнашаётгани сабаб бўлди. Жумладан, ҳозиргача ўтказилган 16 та ўйиндан 9 тасида мағлубиятга учраган "Челси" атиги 15 очко жамғарган. Ҳаттоки Европа Чемпионлар лигасининг "плей-офф" босқичи йўлланмаси қўлга киритилгани ва мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам Жозени жамоада олиб қолишга ёрдам бермади. Аслида, ушбу мутахассиснинг клуб билан тузган шартномаси 2019 йилгача эди. Келишув муддатидан аввал бекор қилингани боис энди унга 12 миллион фунт стерлинг миқдорида товон пули тўланади.

Спорт нашрлари мавсум охиригача "Челси"ни Гус Хиддинк бошқариб туриши мумкинлиги ҳақида ёзмоқда. Кейинчалик эса Хуанде Рамос, Хосеп Гвардиола, Карло Анчелотти, Брендан Рожерс каби тажрибали мутахассислардан бирини таклиф этиш режалаштирилгани хабар қилинаяпти.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**XALQ BANKI**

**Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент вилояти филиали**

**банк биносидаги дизель генераторини таъмирлаш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй.
   Тел./факс: (+99871) 273-86-57.
   E-mail: m.axmedjanov@xb.uz
2. Танлов мавзуси — Халқ банки Тошкент вилояти филиали биносидаги дизель генераторини таъмирлаш.
3. Тендер шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва тел./факс орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 25 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача қабул қилинади.

1780А/833

Товары сертифицированы, услуги лицензированы




Товары сертифицированы, услуги лицензированы




**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

**«REAL AUKSION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Яккасарой тумани СИБ томонидан аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1.** 2015 йил 24 августдаги 11-1503/8409-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 200-уйда сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/822 RCA бўлган «Mercedes-benz 1938 LS» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.***

**2.** 2015 йил 24 ноябрдаги 22131/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АИТБ «Ипак йўли» банкининг Чилонзор филиали ҳудудида сақланаётган:

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 575 GA бўлган «Nexia DOHC» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 39 500 000 сўм.***

- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 907 NA бўлган «Matiz best» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 23 240 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 21 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auksion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

Гувоҳнома № 006795.
1882А/28

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 6 мартдаги 1-49-1009/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Yaxshi niyatli hamkorlar» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 27-уйнинг 1-қаватида жойлашган, қурилиш ости майдони 156,72 кв.м. бўлган умумий овқатланиш комплекси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 500 831 510 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 21 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (0-369) 227-97-01, 227-94-47. www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.
1885А/02

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти прокуратурасининг 2015 йил 16 декабрдаги 27-197-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, «Ц» мавзесида сақланаётган, «Daewoo Nexia» русумли, давлат рақами 01/654 PDA бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 282 086 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 22 январь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси 2016 йил 26 январь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2016 йил 11 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 9 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20210000300571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунгача тўлашлари шарт.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

Гувоҳнома № 001580.
1884А/17

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан 2015 йил 24 августдаги 1-4885/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски Қовунчи» МФЙда жойлашган, умумий майдони 426,0 кв.м. бўлган ошхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 151 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски Қовунчи» МФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 244,08 кв.м., қурилиш майдони 204,33 кв.м. бўлган дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски Қовунчи» МФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 802,0 кв.м. бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 127 000 000 сўм.***

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Файз» дала-ҳовли уюшмасида жойлашган, ер майдони 0,0611 гектар бўлган, 0001-литердан иборат 14-сонли дала-ҳовли бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 10 592 385,39 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 7 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.
1886R/24

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

# Саховатдан кўнгиллар шод

*Инсон асло ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги керак. Бу инсонпарварлик ғоялари устувор жамиятимизнинг бош мақсадларидан биридир. Шу боис юртимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси давлатимиз диққатида юксак эътиборда турган вазифадир. Айниқса, ёлғиз ва қаровчисиз кексалар, эҳтиёжманд оилалар, ота-онасиз фарзандларга нисбатан эъзозли муносабат, ғамхўрлик беқиёс аҳамият касб этмоқда.*

**2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ**

Бизнинг "Саховат" кексалар ва ногиронлар интернат уйимизда истиқомат қилаётган 121 нафар якка-ёлғиз ногирон, қариялар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор иқрор бўлишингиз, шубҳасиз.

Зеро, инсон ҳаёт йўлининг маълум қисмини босиб ўтгач, уни ўзгача сарҳисоб қила бошлайди. Шунда баъзан амалга оширган хайрли ишларидан қувонса, баъзан тақдирнинг машаққатли синовларини эслаб, ўйга толади. Бироқ вақт — ғанимат. Умр эса — ўткинчи.

Етмиш беш ёшни қаршилаган Валя Мирзакаримованинг хулосалари шундай. Узоқ йиллар давомида мактабда ўқувчиларга сабоқ берган онахон ҳозир ушбу муассасада давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаяпти. Шогирдлари ҳолидан хабар олиб туришади. Ҳатто ўзлари билан бирга яшашни таклиф қилувчилар ҳам бўлди. Бироқ Валя опа бунга розилик билдирмади. "Иссиқ жонмиз, — дейди у. — Кексайгач, доимий шифокор назоратига муҳтожлик сезаркансан киши. Бу ерда эса ҳеч нарсадан камимиз йўқ, ҳаётимиз бадастир. Кундалик дастурхонимиз тўкин, саломатлигимиз назоратда. Президентимизга раҳмат, ўзимизни худди оиламиздагидек ҳис этишимиз учун барча шароит яратилган".

Муассасамизда истиқомат қилувчилар бир-бири билан ака-ука, опа-сингилдек бўлиб қолишган. Бири оғриб қолса, иккинчиси ёрдамга шошилади, дардига малҳам бўлгиси келади.

Кексалар ва ногиронлар қошида 6 нафар шифокор, 5 нафар ҳамшира ҳамда 18 нафар энага парвона. Бу ерда турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, танловлар ташкил этиш анъанага айланган. 3 минг нусхадан зиёд китоб фонди, матбуот нашрлари, ҳатто брайл ёзувидаги адабиётларга эга кутубхонамиз нуронийлар ихтиёрида. Отахонларнинг аксарияти — шахмат-шашка ишқибозлари. Онахонлар эса "Моҳир қўллар" тўгарагида қатнашишни хуш кўришади. Қизиғи, ушбу машғулотларда устозлар ҳам, шогирдлар ҳам — уларнинг ўзлари. Айниқса, турли кийим-кечаклар, совғабоп буюмлар тўқишда Нодира Усмоновага етадигани йўқ. Унинг саъй-ҳаракати билан бугун "Саховат"нинг кўпчилик аёллари тўқувчиликни пухта ўзлаштириб олишган.

Айтиш жоизки, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган эзгу ишлар самарасидан муассасамизда яшовчилар ҳам четда қолишгани йўқ. Яъни улар республика ҳамда вилоятдаги ихтисослаштирилган тиббий марказлар мутахассислари томонидан йил давомида бир неча марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур ҳолларда шифохона ва санаторийларга йўлланма билан таъминландилар. Бинобарин, мамлакатимизнинг сўлим гўшалари, зиёратгоҳ манзиллари, тарихий қадамжолари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. Бундай хайрли ишлар келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг машаққатли меҳнати билан бугунги ёруғ кунлар рўёбига катта ҳисса қўшган кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қадрлаш — ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шундай экан, бу ўзбек халқига мансуб бетакрор фазилатларнинг яққол тасдиғи сифатида болаларимизни, ёшларимизни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ёркин намуна бўлиши муқаррар.

**Адҳамжон НЎЪМОНЖОНОВ,**
**Фарғона шаҳридаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар интернат уйи директори ўринбосари.**

# Спорт

*Хапкидо бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари Жанубий Кореяда ташкил этилган анъанавий халқаро турнирда олтита олтин медални қўлга киритди.*

## Вакилларимиз — ғолиб

Ўн бешдан зиёд давлат спортчилари қатнашган баҳсларда Али Тошматов, Баҳром Тожиматов, Абдулазиз Обидхўжаев, Комрон Каримий, Камол Ризаев, Дмитрий Пак ўз ёш тоифасида муваффақият қозонди.

## Чемпионлар номи маълум

*Тошкентда сув полоси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди.*



Унда эркаклар ўртасида Наманган вилояти жамоаси ғолибликка эришди. Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи, шунингдек, пойтахтимиздаги 13-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби ватерполчилари учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар иштирокидаги беллашувлар якунида Тошкент шаҳри, Наманган вилояти ҳамда Халқ таълими вазирлиги вакиллари совриндор бўлди.

## Ёш полвонлар маҳорати

*Эркин кураш бўйича 1996 — 1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги бўлиб ўтди.*

Мусобақада икки юздан зиёд иқтидор эгалари тўққиз вазн тоифасида баҳс олиб борди. Икки кун давом этган беллашувларда Умид Ҳамроқулов, Султон Аввалбоев, Ойбек Мақсадбоев, Мажид Муродов, Сардор Холматов, Азамат Рўзматов, Темур Отажонов, Камол Жалолов, Жаҳонгирмирзо Тўрабоев, Суҳроб Шарипов, Сардор Жўраев, Шоҳруҳ Шомаҳмудов, Иброҳим Илҳомжонов, Шоҳруҳ Сапаев, Ҳумоюддин Мухторов, Темур Усмонохунов, Баҳодир Аслонов, Соиб Зуҳриддинов, Темирлан Отаниязов, Бекзод Тоҳиров каби истеъдодлар ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

## Баҳслар қизғин кечди

*Қўл тўпи бўйича эркаклар ҳамда аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати қизғин ва муросасиз кечди.*




Ўн олтита жамоа қатнашган мамлакат биринчилигида эркаклар ўртасида Олмалиқнинг "ОТМК" жамоаси биринчи, Андижон олимпия захиралари коллежи гандболчилари иккинчи, Урганч давлат университети вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар мусобақасида ҳам "ОТМК" жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Кейинги ўринлар Андижон ҳамда қашқадарёлик спортчиларга насиб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

**МЕРОС**

*Бугунги кунда тарихий ашёлар, осори-атиқаларни ўзида мужассам этган музейларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аҳамияти юқори. Айниқса, бу муассасаларнинг ёшларни она-Ватан ва мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.*

# Ўтмиш ва келажак туташган маскан

Ўзбекистон тарихи давлат музейи истиқлол сайқал берган табаррук маскан, десак, айни ҳақиқатдир. Зеро, халқимизнинг кўп асрлик ҳаётидан ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, қўлёзмалар бугун бу ошёнда асл ҳолида сақланмоқда.

Мана, 24 йилдирки, дунёнинг ривожланган музейлари қаторида бу ерда ҳам замон билан ҳамнафас ҳолда, янги йўналиш ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётир. Унинг хазинасида сақланаётган 300 мингдан ортиқ осори-атиқалар томошабинларнинг маънавий оламини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, археология, нумизматика, этнография, ҳужжатлар ва фотосуратлар фондларидаги турли экспонатларнинг бу борадаги ўрни беқиёсдир.



Музейнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида фаолият кўрсатиши унинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётганлигини ҳам айтиш жоиз. Бугун бу ерда малакали мутахассисларимиз самарали изланишлар олиб боришаяпти.

Муассасамизнинг ноёб экспонатлари АҚШ, Германия, Малайзия, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг номдор музейларида ташкил этилган кўргазмаларда намойиш қилинаётгани ҳам қувонарлидир. Негаки, бундай нуфузли тадбирлар халқимиз тарихи ва маданиятини тарғиб этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ерга келувчиларнинг аксарият қисми — ёшлар. Зеро, мунтазам ўтказиб келинаётган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ҳамда экскурсиялар фарзандларимизда ватанпарварлик руҳини кучайтириш, қалбида аждодларга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, яъни баркамол авлодни вояга етказишга долзарб вазифа сифатида қаралади. Бинобарин, ҳар қайси давлат ёки миллат униб, ўсиб келаётган ёшлари тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик, фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир. Шу маънода, ёшларни халқимизга муносиб қилиб тарбиялашга барчамиз масъулмиз.

Мутахассисларимизнинг мунтазам равишда кўплаб хорижий давлатлар музейларида бўлиб, малака ошираётгани янги интерактив лойиҳаларни жорий этишда қўл келаяпти. Хусусан, юртимиздаги биринчи болалар музейига асос солинди. У ҳозир болажонларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришда муҳим масканлардан бирига айланди.

Музейимиз фаолиятини янада такомиллаштириш ва пировардида юртдошларимиз, хусусан, ёшларимизнинг миллий урф-одатлар ҳамда қадриятларимиз ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш орқали уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида камолга етказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бундан кейин ҳам изчил давом этаверади.

**Жаннат ИСМОИЛОВА,**
**Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори.**

# Оқилона ва мутаносиб овқатланиш — ҳар жиҳатдан фойдалидир

*Юртимизга қиш келиб, совуқ кунлар бошланди. Бундай кезларда киши ўз саломатлигига янада кўпроқ эътибор қаратиб, иссиқ кийиниши ҳамда рационал овқатланиш меъёрига амал қилиши лозим. Яъни турли ноз-неъматлар, озиқ-овқат маҳсулотларидан ўз вақтида ва ўринли тановул этиш муҳимдир.*

**БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ**

Айримлар "рационал овқатланиш" деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомларни истеъмол қилишни тушунади. Аммо, тажрибада синалганки, юқори сифатли ун маҳсулотлари ва ҳаддан зиёд ёғли таомлар ҳамда ширинликларни меъёридан ортиқ тановул қилиш юрак-қон томир ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради. Чунки бундай таомлар тана вазни ортиши, холестерин миқдори ошиши, қон босимининг кўтарилиши, миокард инфаркти, бош мияга қон қуйилиши, қандли диабет каби хасталикларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади.



Аксинча, сабзавот ва мевалар, сут маҳсулотларидан етарлича фойдаланмаслик натижасида эса витаминлар, макро ҳамда микроэлементлар етишмаслиги юзага келади. Шунинг учун ҳар бир киши имкон қадар жисмоний фаол бўлиши, ўз вақтида, меъёрида ва ёшига мос равишда овқатланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун кундалик озиқ-овқатлар таркибида меъёр даражасида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, микроэлементлар ва қатор ноорганик моддалар бўлиши даркор.

Тиббий нуқтаи назардан қараганда, бир кунда 4 маротаба ва ҳар куни бир вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ. Бундай тартибга амал қилиш таомнинг яхши ҳазм бўлиши учун имконият яратади. Таом қабул қилиш миқдори ва сонининг кўпайиши овқат ҳазм қилиш маркази қўзғалувчанлигини камайтиради ва иштаҳани сусайтиради. Кунда 4 маротаба овқатланганда тахминан 600 — 700 ккал. биринчи нонуштага, 300 — 400 ккал. иккинчи нонуштага, 900 — 1000 ккал. тушликка, 600 — 700 ккал. кечки овқатга тўғри келиши лозим. Ёши 50 дан ошган кишилар истеъмол қиладиган озиқ-овқатларнинг калорияси 2500 — 2600 дан ошмаслиги ва ёғ ҳамда шакар миқдори кескин чегараланиши керак.

Шу ўринда кечки овқат уйқудан камида 2-3 соат олдин истеъмол қилиниши лозимлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Гўшт ва балиқдан тайёрланган таомлар (шу жумладан, ёғли), асосан, эрталаб ва кундузи истеъмол қилинса, мақсадга мувофиқ. Кечки овқат таркибида ош тузи жуда камайтирилиб, кўпроқ сутли таомлар бўлиши саломатликка фойда беради. Чунки улар уйқу вақтида организмнинг физиологик фаоллигини ўзгартирмайди. Улардан фарқли ўлароқ тузли ва гўштли овқатлар юрак-қон томир ҳамда нафас тизимига салбий таъсир кўрсатади. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг витаминларга, калий ва магний тузларига бой бўлиши ҳамда таомларнинг ўсимлик ёғида тайёрланиши қон томирларда склероз ривожланишига тўсқинлик қилади.

Кунлик таомномада сабзавот ва мевалардан тайёрланган салатлар, карам, помидор, бодринг, қовоқ, кабачки, кашнич етарли даражада бўлиши, дуккаклилар, шунингдек, турли қўзиқоринлар чегараланган миқдорда ишлатилиши лозим. Пишлоқ ва творогнинг ҳам ёғсизлантирилган сутдан тайёрланганидан фойдаланиш ўринлидир.

Ичиш учун аччиқ бўлмаган чой, мева шарбатлари, ўтли дамламалар тавсия этилади. Қисқача айтганда, овқат рациони турли-туман бўлиши ва улар инсон организмига ижобий таъсир кўрсатиши қарилик ҳамда касалликка олиб келувчи жараёнларни тўхтатиш ёки секинлаштиришга ёрдам беради.

Серқуёш юртимизда ширин-шакар мевалар, витаминларга бой полиз экинлари, кўкатлар ва бошқа ўсимликлар етиштирилади. Улар қишнинг аёзли кунларида ҳам дастурхонимизни безаб турибди. Бундан ташқари, миллий таомларимиз хилма-хиллиги, витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Биз эса улардан ёшимиз, касбимиз, йил фасли, соғлиғимиз ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, оқилона ва мутаносиб истеъмол қилишимиз лозим. Шундагина энг бебаҳо бойлигимиз бўлган саломатлигимизни сақлаймиз, ҳаёт гўзалликларидан тўлақонли баҳра олиб умр кечирамиз.

**Гули ШАЙХОВА,**
**тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси профессори.**

# Замонавий маданият маркази

*Норин туманининг Тўда қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. У ҳududдаги собиқ маданият уйи негизида ташкил этилди. Бунёдкорлик ишларига 476 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, бинонинг томоша зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган хоналари замонавий қиёфага келтирилди. Шунингдек, муассаса 50 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

— Бу ерда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш учун барча имконият яратилди, — дейди меҳнат фахрийси Назиржон Раҳмонов. — Жумладан, санъатга иштиёқманд ўғил-қизларга мўлжалланган хонада доирадан тортиб, энг замонавий чолғу асбобларигача бор. Иқтидорли ёшлар улардан фойдаланиб, санъат сирларини пухта ўзлаштирсалар, спорт тўгарагида ташкил этиладиган машғулотлар бўлажак чемпионлар маҳоратига сайқал беради.

Марказнинг очилиш маросими қишлоқ бадиий ҳаваскорлари ижросидаги концерт дастури билан ўзгача мазмун касб этди. Шу куни иштирокчилар бу ерда фаолият бошлаган ўндан ортиқ тўгаракда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эълон

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 10 сентябрдаги 1-3909/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, У. Мусаев номидаги ҚФЙ, Туябўғиз маҳалласи, Ёшлик кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 89,38 кв.м., тураржой майдони 66,59 кв.м.дан иборат уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 19 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

**Бошланғич баҳоси — 226 457 682 сўм.**

**2.** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 16 июндаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тансиқбоев 2-мавзеси, 3-«В» уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат савдо дўкони.

**Бошланғич баҳоси — 225 330 220 сўм.**

Такрорий аукцион савдоси 2016 йил 7 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

1881А/6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.05 1 2 3 4 5